

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтининг ТАЛАБА ВА МАГИСТРАНТЛАРИ УЧУН “Энг яхши интеллектуал мулк” объектлари “ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-2019” танлови

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ихтирочилик ва илмий-техникавий ижодни рағбатлантириш, инновацион фаолликни ошириш, янги техника, технология ва рақобатбардош маҳсулотларни яратиш йўли билан энг яхши интеллектуал мулк объектларини танлаб олиш мақсадида уларнинг муаллифларига қуйидаги номинациялар бўйича **“ИНТЕЛЛЕКТУАЛ-2019” танловини эълон қилади:**

- **Энг яхши инновацион лойиҳа;**
- **Энг яхши инновацион ишланма;**
- **Энг яхши ЭҲМ учун яратилган дастур ва маълумотлар базаси;**
- **Мобил иловалари учун яратилган дастур.**

Танловга институтнинг профессор-ўқитувчилари муаллифлигида яратилган **сўнгги 3 йил** (2017-2019 йй.) давомида Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигидан олинган интеллектуал мулк объектларидан - **Ихтиролар, - Фойдали моделлар, - Саноат намуналари, - ЭҲМ учун дастурлар ва маълумотлар баъзалари ва Мобил иловалари учун яратилган дастурлар қабул қилинади.**

Олдинги ўтказилган танловларда совринли ўринларни эгаллаган иштирокчиларнинг аризалари қабул қилинмайди. (Бунда иштирокчи эмас балки лойиҳаси назарда тutilган)

Танлов йилига 2 марта: 10 майдан - 20 майгача, 10 ноябрдан - 20 ноябргача ўтказилади.

Танлов иштирокчилари қуйидаги хужжатларни тақдим қиладилар:

- Низомнинг 1-иловасига мувофиқ шаклда иштирок этиш учун ариза;
- Интеллектуал мулк агентлигидан олинган интеллектуал мулк объектлари хужжатларининг нусхаси;
- Лойиҳа объектдан фойдаланишга тайёрлиги тўғрисидаги тасдиқланган хужжат (*Далолатнома, акт внедрения*).

Танлов натижалари 2019 йилнинг 10 июнида эълон қилинади.

Танловда ҳар бир номинация бўйича совринли 1-3 ўринларни эгаллаган танлов ғолиблари қуйида кўрсатилган миқдордаги **пул мукофотлари** билан тақдирланадилар:

- 1 - ўрин: - энг кам иш ҳақининг 5 баробари;**
- 2 - ўрин: - энг кам иш ҳақининг 4 баробари;**
- 3 - ўрин: - энг кам иш ҳақининг 2,5 баробари.**

Танловга аризалар 2019 йилнинг 25 апрелдан - 10 майгача (соат 9.00 дан 16.00 гача) 100000, Ташкент ш., Қ.Ниёзий 39., Илмий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий педагог кадрлар тайёрлаш бўлими (Б-бино 2-қават 230 ва

233 хоналар) манзилида қабул қилинади.

Мурожат учун телефонлар: 0371 237-19-61, 0371 237-09-46

Танлов Низомининг (ўзбек ва рус тилидаги матни) билан институтнинг tiame.uz расмий [веб-сайтида](#) танишишингиз мумкин.